



## Ички валюта бозорининг таҳлили

(2017 йилнинг 5 сентябридан 14 ноябригача бўлган давр учун)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта ва курс сиёсати соҳасида олиб борилган ислохотлар натижалари юзасидан маълумотлар шарҳини тайёрлаб, ўзининг расмий веб-сайти – [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)да чоп этди.

### I. Юридик шахслар билан ўтказилган валюта айирбошлаш операциялари

Ўтган давр мобайнида ички валюта бозорида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида сотиш ҳажми 1 767 млн. АҚШ долларини, харид ҳажми эса 1 442 млн. долларни ташкил қилди. Таклифнинг талабдан ортиқ бўлиши натижасида алмашув курси кескин ўзгаришининг олдини олиш мақсадида талаб ва таклиф орасидаги 325 млн. доллар миқдоридagi фарқни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сотиб олди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Марказий банк валюта захиралари ҳисобидан ойига ўртача 290 млн. доллар миқдоридa чет эл валютасини сотиш амалиёти билан шугулланиб келган.

Валюта биржасида сотилган чет эл валюталарининг 915 млн. долларлик (52 фоиз) қисми бевосита экспортёрлар томонидан, 852 млн. долларлик (48 фоиз) қисми эса банклар томонидан, шу жумладан, валюта айирбошлаш шохобчалари орқали аҳолидан сотиб олинган маблағлар ҳиссасига тўғри келди.

Чет эл валютасига бўлган талабнинг таркиби эса, ишлаб чиқариш мақсадлари импорти

2017 йил сентябрь-ноябрь ойларида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ички валюта бозорида харид қилинган чет эл валютаси мақсадлари ва йўналишлари тўғрисида маълумот (14 ноябрь ҳолатига, млн. долларда)



учун – 1 212 млн. доллар, хорижий кредитларни сўндириш учун – 91 млн. доллар, халқ истеъмоли моллари ва дори-дармонлар импорти учун – 79 млн. доллар, чет эллик инвесторларнинг даромадларини репатриация қилиш учун – 55 млн. доллар ва бошқа мақсадлар учун сотиб олиш ҳисобига шаклланган.

(Давоми 4-бетда).

## «Валюта либераллашуви: дастлабки натижалар ва истикболдаги режалар»

Халқаро пресс-клуб сессиясида ана шу мавзу муҳокама қилинган марказида бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат статистика қўмитаси, Банк-молия академиясидан вакиллар, шунингдек, экспертлар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Маълумки, мамлакатимизда жорий йилнинг сентябрь ойдан бошлаб Президентимизнинг «Валюта сиёсатини либераллаш-

тириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида валюта курсини шакллантиришнинг бозор меха-

низмини жорий этиш ва шу орқали ички валюта бозорини эркинлаштиришга киришилди.

(Давоми 2-бетда).

УШБУ СОНДА:

**Ҳамкорлик**  
Банкларда янги хорижий кредит линиялари  
3-бет.



**Қизиқарли маълумотлар**  
Марказий Осиёда пулга асос солиниши тарихи ва тараққиёти  
5-бет.



**Спорт – соғлиқ гарови**  
Спорт билан ҳамнафас банк ходимлари  
7-бет.

## ХВФ ходимларининг Ўзбекистонга ташрифи яқунлари бўйича баёнот

2017 йилнинг 7-16 ноябрида Халқаро валюта фондининг (ХВФ) жаноб Альберт Егер раҳбарлигидаги миссияси Ўзбекистон расмий органларининг иқтисодий тараққиотида ислох қилиш режаларини муҳокама этиш ва макроиқтисодий параметрларни аниқлаштириш мақсадида Тошкентда бўлди. Ташриф яқунлари бўйича миссия баёноти [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайтида берилди.

«Миссия расмий органларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган ривожланиш стратегияси устуворликлари га мувофиқ макроиқтисодий барқарорликнинг янада самарали асосларига ўтиш ва иқтисодиётда инвестиция муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларини ижобий баҳолайди.

Миссия мазкур йўналишда сентябрь ойи бошида валюта бозори либераллаштирилганини дастлабки муҳим қадам, деб қайд этди ва бу, афтидан, барча манфаатдор томонларда илқ қарши олинди.

Расмий органлар алмашув курсларини бир хиллаштириш ортидан аксар нархларни эркинлаштириш, давлат корхоналарини реструктуризация қилиш, шунингдек, халқаро савдо ва хориждан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўлидаги қол-

ган ғовларни бартараф этиш мўлжалланаётгани тўғрисида баёнот беришди.

Миссия ислохотлар жараёнида навбатдаги қадамлар инвестиция муҳитини яхшилаш ва аҳолининг ночор қатламини ҳимоя қилишга қаратилишини қайд этди.

Ислохотларни амалга оширишда расмий органларга хомашу товарлари халқаро бозоридaги қулай нарх конъюнктураси, шунингдек, савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш ёрдам беради.

Умуман олганда, иқтисодий ўсиш суръатлари мақбул бўлиб қолмоқда, бироқ иқтисодиёти ўтиш шароитида бўлган мамлакатлар тажрибаси ғувоҳлик беришича, иқтисодий ўзгаришларнинг ушбу босқичида аниқ таваккалчиликлар борки, улар иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиши мумкин.

(Давоми 4-бетда).

## «Трастбанк»: Европанинг етакчи банклари билан ҳамкорлик меморандумлари

«Трастбанк» ҳуусий акциядорлик банки жаҳоннинг етакчи банклари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва хорижий кредит линияларини иқтисодиётимиз тармоқлари ривожига кенгроқ жалб қилишга фаолиятининг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Яқинда банк раҳбарияти Австриянинг Вена шаҳрига ҳамда Германиянинг Франкфурт шаҳрига амалий ташрифи доирасида «Трастбанк» ХАБ билан «Raiffeisen Bank International AG» (Австрия) ва «Commerzbank AG» (Германия) ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

(Давоми 3-бетда).

## «Валюта либераллашуви: дастлабки натижалар ва истиқболдаги режалар»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда иқтисодиётдаги мавжуд шароитлар ҳамда либераллаштириш жараёнидаги устувор вазифалардан келиб чиқиб, тайёрлов босқичида муайян жиҳатларга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, инфляцион босимни пасайтириш ва валюта бозорида спекулятив талабнинг ўсиш эҳтимолини бартараф этиш чоралари кўрилди. Мазкур мақсадга қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш, яъни қайта молиялаш ставкасини 9 фоиздан 14 фоизгача ошириш орқали эришилди. Банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш учун тижорат банкларининг устав капиталлари давлат қўйилмалари ҳисобига (670 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий валютада) кўпайтирилди (натижада тизимнинг ялпи капитали 40 фоиздан ортиқ ўсди), улар ликвидлигини таъминлаш механизмлари фаоллаштирилди, шунингдек, курс сиёсатининг янги шароитларига бардошлилигини аниқлаш мақсадида банклар стресс-тестдан ўтказилди, уларни пруденциал назорат қилиш чоралари кучайтирилиб, йил якунига қадар 20 фоиз даражасигача етказиш шарт билан бир лаҳзали ликвидлик коэффициенти бўйича минимал талаблар жорий этилди.

Бундан ташқари, йирик ва стратегик корхоналарнинг молиявий ҳолати ва хорижий валютадаги мавжуд қарздорликларни ҳисобга олиниб, иқтисодиётнинг базавий тармоқларига ажратилган кредитлар реструктуризация қилинди ҳамда алоҳида корхоналарга уларнинг молиявий ҳолатига миллий валюта девальвациясининг салбий таъсирини бартараф этиш учун солиқ имтиёзлари берилди. Ички бозорни имтиёвий зарур товарлар билан тўлдириш, товарлар импортида божхона ва бошқа тўловлар ҳисобига нархларнинг кескин ўсиб кетишига йўл қўймалик мақсадида импорт ставкалари қайта кўриб чиқилди. Миллий валютага нисбатан ишончни мустаҳкамлаш учун ички бозорда барча ҳисоб-китоб ва тўловлар фақат сўмда амалга оши-



рилиши бўйича меъёрлар ўрнатилди. Ҳукуматнинг манзилли чораларидан келиб чиқиб, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди.

– Ушбу барча тайёргарлик чоралари банк тизими, чунончи, бутун иқтисодиётда жиддий ларзасиз эркин курсни шакллантириш тизимига «осон» ўтиш имконини берди, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари Тимур Ишметов**. – Бугунги кунда сўмнинг айирбошлаш курси валюта биржасининг кунлик банклараро савдоларида шаклланмоқда. Марказий банк хорижий валюта олдиротдиси бўйича операцияларни валюта курси трендига таъсир кўрсатмаган ҳолда, фақат курснинг ҳаддан ташқари ўзгарувчанлигини бартараф этиш мақсадида амалга оширмоқда. Хусусан, валюта биржасида амалга оширилган операцияларнинг ўртача ойлик ҳажми сентябрь-октябрь ойларида биринчи ярим йилликнинг тегишли кўрсаткичига нисбатан 1,7 карра ошди. Бунда экспортчилар томонидан валютани сотиш ҳажми жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ўртача ойлик операцияларга нисбатан 2 баробардан зиёдга ортди. Банклар томонидан аҳолининг 565 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари сотиб олинди. Бу, ўз нав-

батида, валюта биржасига валюта таклиф этишининг қўшимча манбаи бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, ушбу даврда юридик шахс мақомига эга бўлмаган яқка тартибдаги ва хусусий тадбиркорлар учун валюта сотишининг соддалаштирилган механизми жорий қилинди. Хорижий валютада кредит олган тадбиркорлар учун кредитни қайтиришда алоҳида имтиёзлар қўлланила бошлади.

Умуман, валюта бозорини эркинлаштириш ҳамда алмашув курсини шакллантиришнинг бозор механизмларини жорий этиш ташқи иқтисодий алоқалар шароитларини яхшилаш билан бир қаторда, республикага чет эл валютаси оқимининг мунтазам равишда ўсишига замин яратмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида экспорт тушумларининг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоиздан кўпроқ ошди.

Тадбирда мазкур ислохотлар нақд пул маблағларининг муомаласи билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ҳамда аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш имконини ҳам яратгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, октябрь ойидаги банк кассаларидаги нақд пул айланмаси ҳажми биринчи ярим йилликдаги ўртача ойлик кўрсаткичга нисбатан 2,3 баробар ўсган. Бунда банк кассаларидаги тушум ҳажми октябрь ойида биринчи

ярим йилликдаги нисбатан 2,8 баробарга ошган. Сўнгги икки ой давомида аҳолининг миллий валютадаги муддатли омонатлари ҳажми 9 фоизга ортган.

Анжуманда спикерлар ушбу йўналишда йил сўнгига қадар бажарилиши мўлжалланган ишлар хусусида тўхталар экан, 1 декабрдан бошлаб, Ўзбекистон бўйлаб хорижга пул ўтказмалари миллий сўм валютасида қабул қилиниб, амалиёт ўтказилаётган кунда Марказий банк белгиланган қиймат бўйича конвертация қилинган ҳолда юборилишини ҳамда банклар томонидан жойларга шу ойнинг охиригача 200 та банкмат жойлаштирилишини айтиб ўтди.

Валютани тартибга солишни либераллаштириш иқтисодиётда мутлақо янги воқеликни шакллантиришда ва бу муқаррар равишда макроиқтисодий сиёсатда акс этиб, пул-кредит сиёсатида ёндашув ҳамда унинг механизмларини жиддий ўзгартиришни талаб этмоқда. Шу боис ўрта муддатли истиқболда асосий эътибор пул-кредит сиёсатининг инфляцион таргетлаш тизимига ўтиш учун зарурий шароитларни яратишга қаратилади.

Марказий банк инфляция хатарларини эътиборга олиб, нарх-наво ўсишига монетар омилларнинг таъсирини минималлаштиришга қаратилган пул-кредит сиёсатини юритиш, бюджет харажатлари ҳажмини тасдиқланган параметрлар доирасида қатъий ушлаб туриш учун биргаликдаги ҳаракатларни кучайтиришни режалаштирмоқда.

– Валюта бозорини эркинлаштириш жараёни давом этмоқда, олдимизда ҳали кенг қўлмалли вазифалар турибди, – дейди **Т.Ишметов**. – Биз тадбиркорлар доираси ва халқаро иқтисодий ҳамжамият фикрларини эътиборга олган ҳолда валюта бозорини такомиллаштириш, унинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриб борамиз ва бу саъй-ҳаракатларимиз «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда акс этади.

**Назара МАВЛОНОВА.**

## ТИФ Миллий банки: ҳафта ичидаги хабарлар

### БАНК МАҚОМИ САҚЛАНИБ ҚОЛДИ

Икки ой ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Уставининг янги таҳрири ва банк Кенгашининг янгиланган шахсий таркиби тасдиқланади.

Бунга 2017 йил 13 ноябрда Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолиятини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3383-сонли Қарор дастуриламал бўлмоқда.

Ҳужжатда ТИФ Миллий банкининг ташқи иқтисодий фаолият, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда чакана банк хизматлари кўрсатиш соҳаларидаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган.

Шунингдек, ТИФ Миллий банки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси янада таъсисчиси бўлгани ҳолда давлат банки ҳисоблангани белгилаб қўйилди. Банкни унитар корхонадан акциядорлик жамиятига ўзгартириш тўғрисида аввал қабул қилинган қарор бекор қилинди.

Бундан ташқари, ТИФ Миллий банкни мамлакатнинг иқтисодий ҳамкори бўлган хорижий мамлакатларда ваколатхоналар, филиаллар, шўба банклар ташкил этиш ва депозитлар сифатида Давлат бюджети маблағларини жалб этиш ҳуқуқи берилди.

### ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Германиянинг етакчи банклари билан умумий миқдори 950 млн. еврога тенг бўлган қарз битимларини тузди.

Келишувлар жорий йил 14-17 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Германия Федератив Республикасига ташрифи давомида ташкил этилган Ўзбекистон – Германия бизнес форуми доирасида амалга оширилди.

Бунда ТИФ Миллий банки «DeutscheBank AG» билан 500 млн. евролик, «Commerzbank AG» билан 350 млн. евролик ҳамда «АКА Банк» билан 100 млн. евролик заём келишувларини имзолади.

Бундан кўзланган мақсад инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига оид бизнес-режаларни молиявий қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиб, улар давлат қафолатини талаб қилмайди.

### ЭКСПОРТНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ

ТИФ Миллий банки «Россия экспорт маркази» (РЭМ) билан 100 млн. АҚШ доллари миқдорида келишув имзолади.

Келишув РЭМ, Гуруҳи иштирокчиси – «ЭКСПАР» томонидан «Росэксимбанк»нинг ТИФ Миллий банки иштирокида юқори технологияли товарлар

ва хизматларни тақдим этиш бўйича кредит линияси ҳисобидан молиялаштириш билан боғлиқ бўлган суғурта қопламасини таъминлашни назарда тутди.

### ЁШ ХОДИМЛАР УЧУН СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича кўмита вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ТИФ Миллий банкидаги Етакчилар кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда банкнинг ёш ходимларига ҳам минтақавий, ҳам халқаро ҳавфсизликка таҳдид солаётган глобал миқёсдаги муаммолар – диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш ҳамда диний мутаассибликка барҳам бериш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

Шундан сўнг йигилганлар эътиборига диний экстремистлар кирдикорлари юзасидан фош этилган манфур ишлар хусусида мисоллар келтирилди. Ақидапарастлик ва миссионерликнинг жамият, хусусан, ёш авлоднинг маънавий тарбиясига таъсири ҳақида сўз юритилиб, уларни бундай оқимлар таъсиридан асраш лозимлиги, шахс камолотида асосий омил чуқур билим ва юксак маънавият эканлиги таъкидланди.

**Юлдуз ЗОКИРОВА.**

## КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ

## «Трастбанк»: Европанинг етакчи банклари билан ҳамкорлик меморандумлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур меморандумлар Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сибсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонларига асосан мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга асосланган лойиҳаларни ва савдо амалиётларини молиялаштириш соҳасида республикамизга товарлар ва хизматларни етказиб беришни назарда тутувчи ўзаро манфаатли операцияларни биргаликда амалга ошириш ҳамда хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратишни кўзда тутуди.

– Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилиш мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидандир, – дейди «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки Бошқаруви раиси Сардор Нормухамедов. – Бунинг самарали ечими эса, кўп жиҳатдан республикамизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва салоҳиятини ошириш билан боғлиқ. Ҳозирда мамлакатимизда хорижий сармояларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишнинг мустақкам ҳуқуқий базаси яратилган. Зеро, хорижий инвестициялар юртимизда иқтисодий ўсиш суръатларини янада яхшилаш, илгор хорижий тажрибалар ва услубларни халқ ҳўжалигига татбиқ этиш, ишлаб чиқаришни янгилаш ва замонавийлаштириш, кичик бизнес ва хусу-



сий тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш, янги ишлаб чиқариш ва иш ўринлари яратиш орқали аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Сир эмас, янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш хорижий валютага харид қилинадиган илгор технологиялар асосида амалга оширилади. Бинобарин, бугунги кунда бизнинг банк молиявий агент сифатида хорижий молиявий институтларнинг узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилишда тадбиркорлик тузилмаларининг талаб ва эҳтиёжларини, лойиҳалар аҳамиятини эътиборга олмақда. Шу боис Европанинг етакчи банклари билан эришилган меморандумлар ўзаро ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқади ва қўшимча ресурсларни миллий иқтисодиётимиз равнақи йўлида фаол жалб қилишга хизмат қилади.

Учрашувлар чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб йўналишлари ва келгусидаги режалар муҳокама этилди.

Бекзод АКРОМОВ.

## «Туронбанк»: халқаро кредит линиялари – истиқболли лойиҳаларга

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасини янада тараққий эттириш, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчиликни кенг йўлга қўйиш, бу борда янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш изчил ислохотлар жараёнидаги устувор йўналишлардан бирига айланган.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, қишлоқ жойларда замонавий кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ташкил этиш, шу йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш зарур. Дарҳақиқат, ҳар қандай истиқболли режа молиявий кўмакка муҳтож. Бунда эса банклар томонидан тақдим этиладиган кредитларнинг аҳамияти катта.

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки ҳам барча соҳалар қатори қишлоқ ҳўжалиги ривож йўлида самарали лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб келаётган молия муассасаларидан биридир. Мазкур банк зиммасига қишлоқ ҳўжалиги тармоғини ривожлантириш юзасидан қатор лойиҳаларни молиялаштириш вазифаси юклатилган. Улар орасида «Agro Hamkor Export» фермер

ҳўжалиги ҳам бор. Банк томонидан тадбиркорга 2 гектар ер майдонида тежамкор энергия асосида иссиқхона ташкил этиш учун 900 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Лойиҳа бўйича кредит 5 йил муддатга 6 фоизлик имтиёзли устама тўлаш шarti билан тақдим этилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ушбу кўмак Халқаро тикланиш ва тараққий банкни ҳамкорлигида мамлакатимизда мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш лойиҳаси асосида берилди.

Кредит эвазига барло этиладиган замонавий типдаги иссиқхона жаҳон андозалари талабига тўлиқ мос келади. У тежамкорлиги, ҳар қандай обҳаво шароитига чидамлилиги, суғориш ва озукалаш тизимининг автоматлаштирилганлиги ҳамда ўсимлик учун мос микроклимтни яратиши эва-

зига юқори ҳосил олиш имконини беради.

Лойиҳа амалга оширилиши натижасида Зангиота туманида 40 га яқин янги иш ўринлари яратилиб, йилига 400 тонна помидор ва бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши режалаштирилган. Қолаверса, маҳсулотларнинг 40 фоиздан ортиги экспортга йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Маълумот учун, жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан инвестиция мақсадлари йўлида ажратилган кредитлар ва лизинг хизматлари ҳажми 334,5 млрд. сўмни, банкнинг инвестиция портфели қолдиғи 546,3 млрд. сўмни ёки жами банк кредит портфелининг 68,6 фоизини ташкил этмоқда. Қолаверса, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг Осиё тараққий банкни иштирокида 6 та лойиҳаси бўйича жами 9,7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар соҳа ривож йўлида жалб қилинган.

Бобур САТТОВОВ.

## Савдони молиялаштиришда манфаатли келишув

«Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки ва «Landesbank Baden-Württemberg» (Германия) савдони молиялаштириш юзасидан кредит линия очиш тўғрисида чегараланган битим тузишга келишиб олдилар.

«Ипак йўли» АИТБ расмий сайтида хабар берилишича, бунга жаноб Торстен Базель бошчилигида «Landesbank Baden-Württemberg» ва банк вакиллари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар чоғида эришилди. Ушбу кредит линия миқдорида бўлиб, у асосан маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг Европа мамлакатларидан технологик асбоб-ускуналар ва хомашё харид қилишлари учун ташқи савдо битимларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Бундан ташқари, «Landesbank Baden-Württemberg» ва «Ипак йўли» банки корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини 5 йил ва ун-


дан ортиқ муддатга молиялаштириш соҳасида алоқаларни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон бозоридан ҳамкорликда тақдим этилаётган хизматлар кўламини изчил равишда кенгайтириб бориш хусусида ҳам ўзаро келишиб олдилар.

Қайд этиш жоиз, Германиядаги энг етакчи банклар бешталигига кирувчи «Landesbank Baden-Württemberg» халқаро молия бозорининг фаол қатнашчиси ҳам саналади. Муассаса мижозлари базасида йирик корпоратив компаниялар билан бир қаторда хусусий сектор субъектлари ҳам алоҳида ўрин тутуди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

## «Микрокредитбанк»: сутни қайта ишлашга кредитлар

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан Халқаро қишлоқ ҳўжалиги тараққийети жамғармаси иштирокидаги «Ўзбекистонда сутни қайта ишлаш тармоғида қўшилган қиймат тизимини ривожлантириш» лойиҳаси ҳисобидан тадбиркорларга сутни қайта ишлаш тармоғи билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар ажратилмоқда.



Кредитлар қорамол, сутни соғиб олувчи ихчам (портатив) ускуна ва шунга ўхшаш технологиялар сотиб олиш учун деҳқон ҳўжаликларига 10 минг АҚШ долларигача, сутни соғиб олиш ускунаси, сут ва сут маҳсулотларини ташишга мўлжалланган махсус техникалар, насли қорамол, озуқа ва ем-хашак ишлаб чиқарувчи, йиғиб олувчи ҳамда қайта ишловчи техника ва ускуналар сотиб олиш учун фермер ҳўжаликларига 100 минг долларгача, хусусий ветеринария хизматларини ташкил этиш, ветеринария жиҳозлари ва дори-дармонларини сотиб олиш, ем-хашак тайёрлаш технологиялари учун 10 минг доллардан 100 минг долларгача, сут маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш ускуналарини сотиб олиш, сут йиғувчи марказлар ташкил этиш ва янги технологиялар билан таъминлаш, айланма маблағни тўлдириш ва бошқа шу соҳага тегишли лойиҳалар учун 250 минг долларгача тақдим этилади.

Халқаро қишлоқ ҳўжалиги тараққийети жамғармаси иштирокидаги лойиҳа ҳисобидан кредитлар Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида сутни қайта ишлаш соҳасида фаолият юритувчи (рўйхатдан ўтган) тадбиркорларга берилиши мўлжалланган.

Жасур МИРЗАЕВ.

# Ички валюта бозорининг таҳлили

(2017 йилнинг 5 сентябридан 14 ноябргача бўлган давр учун)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Умуман олганда, валюта бозори эркинлаштирилганидан сўнг ички валюта бозоридаги операцияларнинг ўртача ойлик кўрсаткичлари сезиларли даражада ошди. Жумладан:

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет эл валютасини сотиб олишнинг ўртача ойлик миқдори 25 фоизга (ёки 116 млн. доллар), жорий йилнинг биринчи ярим йиллигидаги 461 млн. доллардан сентябрь-ноябрь ойларида 577 млн. долларга ўсди;

- чет эл валютасини сотишнинг ўртача ойлик миқдори 4 баробардан кўпроқ – жорий йилнинг биринчи ярим йиллигидаги 172 млн. доллардан 707 млн. долларгача ошди, хусусан, экспортёрлар томонидан чет эл валютасини сотишнинг миқдори 2 баробардан кўпроқ ошди.

Конвертация ҳажмининг ўсиши билан бир қаторда валюта биржаси савдоларидаги иштирокчи субъектлар сони, асосан, чет эл валютасини расмий бозорда илгари сотиб олмаган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига сезиларли даражада ошди.

## II. Жисмоний шахслар билан амалга

**Оширилган валюта айирбошлаш операциялари**  
Таҳлил қилинаётган давр мобайнида тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан 644 млн. доллар миқдоридан нақд чет эл валютаси сотиб олинди.



Банкларнинг аҳолидан чет эл валютасини сотиб олиш операцияларининг асосий қисми Тошкент шаҳри (29 фоиз), Фаргона (11 фоиз), Самарқанд

(9 фоиз), Андижон (9 фоиз) ва Наманган вилоятлари (8 фоиз) ҳиссасига тўғри келмоқда.



Конверсион операцияларнинг (жисмоний шахсларга чет эл валютасини сотиш) ҳажми 23 млн. долларни ташкил қилди. Ҳар ойда конверсион операциялар миқдорининг кескин ўсиб бораётганлиги, асосан, импорт билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорларнинг операциялари ҳисобига тўғри келмоқда.

## III. Алмашув курси

Умуман олганда, жорий йилнинг сентябрь ойи босидан буён алмашув курсининг кескин ўзгаришлари кузатилмади, алмашув курси 8049 – 8110 сўм/долл. оралиғида ўзгариб турди (1 фоиздан кам).

## IV. Валюта сиёсатини эркинлаштиришнинг дастлабки натижалари

Валюта бозорини эркинлаштириш ҳамда алмашув курсини шакллантиришнинг бозор механизмлари жорий этилиши ташқи иқтисодий алоқалар шароитларини яхшилаш билан бир қаторда республикага чет эл валютаси оқимининг мунтазам равишда ўсишига замин яратмоқда.



Хусусан, ўтказилаётган ислохотлар маҳаллий товар ва хизматларнинг нарх рақобатбардошлигини

яхшилаб, маҳаллий экспортчи корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди ва жорий йилнинг 9 ойи давомида экспорт тушумларининг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоиздан кўпроқ ошди.

Жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг соф олтин-валюта захиралари 754 млн. долларга ошди ва жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, 26 млрд. доллардан ортиқни ташкил қилмоқда.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги операцияларининг фаол равишда норасмий сектордан банк секторига ўтиши кузатилмоқда.

Валюта бозорини эркинлаштириш нақд пул маблағларининг муомаласи билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳам бартараф этиш имконини яратиш, нақд ва нақдсиз кўринишдаги пуллар орасидаги тафовутларга банклардан нақд пул олишдаги қийинчиликларга барҳам берилди.

Октябрь ойидаги банк кассаларидаги нақд пул айланмаси ҳажми биринчи ярим йилликдаги ўртача ойлик кўрсаткичга нисбатан 2,3 баробардан кўпроққа ошди, бунда нақд пул тушуми ва унинг сарфланиши ўртасидаги мувозанат таъминланди. Бунда банк кассаларига тушум ҳажми биринчи ярим йилликдаги ўртача ойлик 2 трлн. сўм миқдоридан кўра октябрь ойидаги 5,7 трлн. сўмга ёки 2,8 баробарга ошди.



Шунингдек, аҳолининг банкларда жойлаштирилган миллий валютадаги депозитлари ҳажмида ҳам ижобий ўсиш динамикаси кузатилмоқда. Хусусан, сўнгги икки ой давомида аҳоли мuddатли депозитлари ҳажми 9 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, чет эл валютасидаги депозитлар бўйича ўртача фойза ставкаси 9 фоиздан 4 фоизгача пасайиши кузатилди.

### Изоҳ:

1) *Ички валюта бозори валюта биржасидаги операциялар ҳамда банклар ва миқозлар ўртасидаги тўғридан-тўғри шартномалар бўйича битимларни ўз ичига олади;*

2) *Маълумотлар 2017 йилнинг 5 сентябридан 14 ноябргача бўлган даврни қамраб олган.*

# ХВФ ходимларининг Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича баёнот

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Миссия расмий органларнинг асосий эътиборни инфляция босимини ушлаш доирасидаги ёндашувларга қаратаётганликларини маъқуллайди. Инфляцияни самарали назорат қилиш учун Ўзбекистон Марказий банки (МБ) ўзининг пул-кредит сиёсати асосларини қайта қўриб чиқмоқда ва ўз операцияларининг имкониятларини кенгайтирмоқда.

Миссия, шунингдек, расмий органларнинг номинал алмашув курсининг хорижий валютага бўлган талаб ва таклифнинг асосий ўзгаришларини

эътиборга олишни режалаштирганини ижобий қабул қилади. Валюта бозорини либераллаштиришнинг бошқа қадамларини ҳам маъқуллайди.

Иқтисодий ёнбарқарорлаштиришда олдингидек солиқ-бюджет сиёсати етакчи ўринга эга бўлиши лозим. Шу муносабат билан миссия келгусида инфляция босимини ушлаб туриш борасидаги чораларни қўллаб-қувватлаш учун ўзида барча бюджет ва бюджетдан ташқари операцияларни жамлаб олган қатъий солиқ-бюджет сиёсатини олиб боришни давом эттириш муҳимлигини қайд этди.

Валюта бозорини либераллаштиришдан сўнг банк тизимида аввалгидек йирик ҳажмдаги буфер захиралар сақланиб қолмоқда. Айни вақтда давлат корхоналарининг катта секторини реструктуризация қилиш билан боғлиқликда банкларнинг активлари ва ликвидлиги сифатини диққат билан кузатиб бориш зарурлиги эътироф этилди.


Миссия иқтисодий маълумотлар сифати ва уларнинг шаффофлигини оширишни такомиллаштириш борасидаги дастлабки аниқ қадамларни мамнуният билан қайд

этади. 2018 йилнинг февралдан бошлаб инфляция даражаси истеъмол нархлари индексининг халқаро стандартларига мослаштирилган янги кўрсаткичлари асосида баҳоланади. Шунингдек, Ўзбекистонда ХВФда фойдаланиладиган Маълумотларни тарқатишнинг кенгайтирилган умумий тизими (P-ОСРД)га қўшилишида ҳам илгари силжишларга эришилган.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органларига самимий меҳмондўстлик ва юқори конструктив муҳокамалар учун ташаккур изҳор этади.

# Марказий Осиёда пулга асос солиниши тарихи ва тараққиёти

Замонавий жамиятда пул – инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатни мувофиқлаштиришга имкон берувчи асосий восита ҳисобланади. Илгарилари қимматбаҳо металл маҳсулотлари муҳим ва ягона пул бирлиги сифатида хизмат қилган. Бироқ жамиятда тараққиёт ва табақалашув ҳолати юз бериши ҳар бир давлатнинг ўз валютаси (пул бирлиги) шаклланишига сабаб бўлди. Бугунги кунда ер юзиде 250 дан орტიқ мамлакат мавжуд бўлишига қарамай, дунё бўйича 160 турдаги валютадан фойдаланилмоқда. Бу эса деярли ҳар икки мамлакатдан бири ўзининг шахсий пул бирлигига эгаллигидан далолатдир.



Хива хонлиги, 1918 йил, 50 тангалик

лик, узоқ ўтмишдаги аждодларимиздан бири овчи бўлган ва у ўзи ҳамда оиласига зарур нарсаларни табиатдан олган. Ови бароридан келиб, анча миқдордаги гўштга эга бўлган овчида ҳайвон терилари ҳам тўлланиб қолган. Шунда у қўшни қабилага бориб, ўзидаги терини пичоқ, бугдой ёки ёнғоққа айирбошлаш таклифи билан чиққан. Агар қўшни қабила аъзоларида юқоридаги маҳсулотлар кўп ёки ҳайвон терисига эҳтиёж сезган бўлса, овчи билан келишган ҳолда муваффақиятли айирбошлаш амалиётини юритган. Маҳсулотларни алмашиш орқали ўтказилган бундай амалиёт айирбошлаш (бартер) деб аталади.

Ибтидоий жамиятдаги иқтисодийнинг ривожланиб бориши, яъни ов қилишдан кейин ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш, янги турдаги меҳнат қуролларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги йўналишларининг кенгайтирилиши орқали аждодларимизда муайян турдаги маҳсулотлар тўлланиб қолган. Бу эса айирбошлаш битимларининг тури ва кўлами кенгайишига сабаб бўлган. Бироқ бундай келишувларнинг ўзига яраша мураккаб жиҳатлари ҳам йўқ эмас эди. Овчи қўшни қабиладаги буюмининг сифати маъқул келмади, дейлик. Шунда у ўзидаги маҳсулотни олиб, бошқа қабилага йўл олиши, аммо бу қабилада унинг терисига эҳтиёж мавжуд бўлмаслиги мумкин. Баъзан овчи оиласига зарур маҳсулотни ўзидаги терига алмашишга тайёр қавм ёки қабиламини излаб, бир неча кунлаб вақтини беҳудда сарфлаган. Бундан ташқари, айирбошлаш битимлари доимо ҳам адолатли бўлмаган. Масалан, бутун бир қўй учун арзиманг, кичик нарса берилиши ҳолати кузатилиши айирбошлаш амалиётида тенгсизлики юзага келтирди. Ва ниҳоят, айирбошлаш амалиёти самарали иқтисодийнинг ривожланишига тўсқинлик қилган. Жамиятнинг тараққиёт этиши ва кенг турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши бир буюмни бошқасига алмаштириш жараёнини мураккаблаштирган. Шунда одамлар маҳсулотлар айирбошлаш амалиётининг ўрнига муқобил амалиётлар жорий этишга мажбур бўлган. Муҳими, бу муқобил йўл барчага бирдек қўлай, тушунарли ва оддий бўлиши керак эди. Шундай қилиб, инсоният ҳаётида биз «пул» деб аташга кўникиб қолган восита юзага келди.

Пул ўз ривожланиш тарихида узоқ эволюциявий йўлни босиб ўтди. Унинг келиб чиқиши бозор иқтисодиёти тарихининг асосий қисми ҳисобланади. Ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос пули бўлган. Унинг илк шакли тери, чиганокдан ясалган бўлса, бугунги кунга келиб металл ва қоғоз қўрилишига эга.

Металл шаклидаги тангалли пулларнинг дастлабки тури илк маротаба қадимий Мисрда тахминан 4500 йил, яъни янги эраимиздан 2500 йил аввал пайдо бўлган. Сўнг уларни Қадимий

Бобилдан топишган. Ҳаққонлик металл пулларнинг муқобил воситаси сифатида бронза узук ҳам хизмат қилган. Бундай узукларнинг қиймати шубҳа туғилган тақдирда уларнинг вазни ўлчанган ва Қадимий Бобилда металл вазни стандартлаштирилганлиги боис унинг бозор нархи ҳисоблаб чиқарилган. Бундан ташқари, пулларнинг ҳақиқийлиги ҳукумат томонидан расман тасдиқланиши талаб этилган.

## ПУЛЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИ

Тарихий маълумотларга кўра, ҳақиқий металл пуллар даврининг боши VII аср ўртасидан то янги милодий йиллар аввалига, яъни Лидияда (кумуш ва олтин эритмасидан иборат) электрондан танга зарб этилиши даврига тўри келган. Биласизми, нега айнан Лидияда зарб этилган ва шаклан дуккакли ўсимликларни эслатувчи тангалар ҳақиқий пул сифатида қабул қилинади? Гап шундаки, бир томонда Лидия шохининг шерри тимсоли акс эттирилган бу тангаларнинг иккинчи томонида танга вазни ва соғлигига оид маълумотлар ўрин эгаллаган эди. Бу эса пулнинг ўлчови мавжудлигини англатиб, бундай янгилик тез орада Шарқ ва Ғарбда бирдек қўлланиладиган бўлди. Тахминан шу даврда Ҳиндистонда ҳам тангалар зарб этилаётган эди. Айрим мамлакатларда тангалар ҳатто эриб кетарди. Бироқ вақт ўтиши билан улар тўри зарб этила бошланиб, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида ҳам бу тажриба муваффақиятли жорий этилди.

Айни пайтда ҳар бир мамлакат пул тизими ўзига хос тарзда шаклланди ва турли ривожланиш босқичини босиб ўтди. Ҳатто шундай даврлар бўлдики, у ёки бу мамлакатнинг пул тизими ўша давлатнинг иқтисодий тараққиётига мувофиқ тарзда ривожланиб борди. Бу эса иқтисодиёт ва савдонинг самарали ривожланишига хизмат қилди. Лекин мамлакатлар тарихида шундай вақтлар ҳам бўлдики, бу даврда пул тизими бутунлай пароканда бўлди ҳамда бундан энг аввало, мазкур мамлакат халқи ва иқтисодиёти зарар кўрди. Бундай муаммолар асосан урушлар, тарафқашликлар ва ички зиддиятлар кучайган вақтда кузатилади.

Ўрта асрларда пулнинг муқобил шакли сифатида олтин, кумуш ва мис тангалардан фойдаланилган. Одатда урушлар катта миқдордаги харажатларни талаб этади. Олтин захираларининг чекланганлиги ҳокимият вакилларида кўп миқдордаги кумуш ва мис тангаларни зарб этиш бўйича қарор қабул қилиниши тақозо қиларди. Бу эса пулнинг қадрсизланишига олиб келди. Қолаверса, сарфланадиган харажатни қисқартириш мақсадида кумуш тангалар таркибидаги кумуш ҳажми камайтирилиб, ўрнига миснинг улушини кўпайтириш аънамага айланди. Масалан, Римда II асрда зарб этилган ку-

муш динорларнинг таркиби 50 фоизи кумушдан иборат бўлган бўлса, III асрдаги тангада унинг улуши 2 фоизга тушиб кетди. Ҳатто динорлар бутунлай мисдан иборат бўлиб, уларнинг устки қатламидан кумуш билан қопланган даврлар ҳам бўлди. Олтин, кумуш ва мис тангалар натурал пул шакли ҳисобланган ва умумий савдо амалиётларининг муқобил шакли сифатида хизмат қилган. Бундай пуллар маҳсулот сингари ўз қиймати эга бўлган.

## АЙИРБОШЛАНАДИГАН БАНКНОТАЛАР

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиб бориши нафақат мамлакат ичидаги савдони кучайтирди, балки давлатлараро иқтисодий муносабатларни тараққий эттиришни тақозо этди. Ҳамонки, кумуш ва олтин захираси чекланган экан, бу алоқаларни ривожлантириш учун ҳам натурал пулга бўлган эҳтиёж ортиб борарди. Бу эса қоғоз ва кредит пуллари шаклидаги рақамий пуллар муомаласига киритилишига сабаб бўлди.

Қоғоз пуллар илк бора IX аср аввалида Хитойда пайдо бўлган ва дастлаб бу пуллардан депозитли сертификат шаклида фойдаланилган. Савдогарлар хусусий банкларга натурал пулларни тақдим этар ва ўрнига маҳсулот харид қилишда фойдаланиш мақсадида қоғозли сертификатни қўлга киритар эди. Савдогар маҳсулотни харид қилиб бўлгач, ўша худуддаги банкка ўз сертификатини топширган ва банк эса, ўз навбатида, харид учун сарфланган миқдордаги натурал пулни савдогарга қайтарган. Бироздан сўнг бундай амалиётлар давлат назорати остида юриштила бошланган.

X аср аввалида Хитойдаги банклар ҳукумат қафолати остида бутунлай айирбошланадиган банкноталарни чиқара бошлади. Бироқ 20 йилдан сўнг ҳукумат банк банкноталарини олиб қўйиб, улар санаруфда фақатгина давлатга тегишли чипталарни қолдирди. Бундай чипталарда фойдаланиш мuddати (ассосан уч йил) ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган. Кўп миқдордаги қоғоз пуллар истеъмолга чиқарилди, лекин ҳукумат бу пулларни натурал пул, масалан, олтин захираси шаклидаги пуллар билан мустақкамлашга эътибор қаратмади. Орадан икки аср ўтиб эса, юқоридаги эътиборсизлик оқибатида Хитой гиперинфляция ҳолатини юзага келтирди.

Аммо бундай ҳолат Ғарбда ҳам қоғоз пулларни муомаласига киритишга доир қизиқишни сусайтирмади. Айниқса, ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакатларда бундай амалиётни нисбатан эҳтиёж кучайди. Хусусан, Хитойдан намуна олган мўғуллар XIII аср охирида Эронда ўз валюталарини чиқара бошлади. Европада эса илк қоғоз пуллар Швецияда 1601 йилда босиб чиқарилган.

(Давоми келгуси сонда).

## «Агробанк»: АКТ соҳасида серкирра фаолият

**Жорий йил сўнгига қадар «Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан ҳудудларга 80 та банкомат ва 300 та инфокиоск жойлаштирилади.**

Шунингдек, яқин истиқболда «Agrobankmobile» тизими орқали онлайн микроқарзларни бериш йўлга қўйилади. «Ягона халқаро процессинг маркази» билан ҳамкорликда «GlobUz» тизими амалиётга татбиқ этилиб, халқаро тўловлар бўйича ҳамкорлик янада ривожлантирилади, «Union Pay» карталари муомаллага чиқарилади.

Айни шулар ҳақида Миллий матбуот марказида «Агробанк» АТБда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизimini такомиллаштириш, ушбу йўналишда инновацион гоюларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган анжуманда ахборот берилди.

Тадбирда, шунингдек, «Агробанк» томонидан қисқа масофадан тўлов карталари жорий этилиб, улар орқали шаҳар жамоат транспортида йўл ҳақи тўловлари тез ва қулай амалга оширилаётгани ҳам маълум қилинди. Ҳозирча Андижон вилоятида синовдан ўтказилган ушбу тизим бундан буён республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ишга туширилади, бунинг учун 30 мингта ана шундай карта ва 300 дона терминал хизматга шай ҳолатда.

Айтиш жоиз, «Агробанк» АТБ жорий йилда Давлатимиз раҳбарининг «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, пластик карталар ва улар асосида интерактив хизматларни ривожлантириш саяё-ҳаракатларини янада кучайтирди.



Бугунги кунда муассаса томонидан жорий қилинган «Agrobankmobile» ва «Agrobankmobile-Biznes» хизматларидан ҳам аҳоли, ҳам хўжалик юритувчи субъектлар бирдек мамнун. Масофавий хизматлар орасида айниқса, банкнинг «Мобиль савдо» хизмати тез суръатда оммалашиб бормоқда.

Чакана савдо ёки пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга мўлжалланган ушбу тизим харид қилинган товарлар учун тўловларни мобил телефон воситасида «Агробанк-клик» орқали амалга ошириш имконини беради. Айни пайтда ундан 7 мингдан зиёд савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шох-босчаси фойдаланмоқда.

– Эндиликдаги режаларимиз қаторидан овердрафт кредит карталарини янада ривожлантириш, мобил иловаларимиз асосида ҳавола қилинаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, хусусан, улар орқали кредит сўндирилишини, омонат фойзалари тўловини йўлга қўйиш ўрин олган, – дейди банкнинг Пластик карталар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Зафаржон Мамажонов.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, «Агробанк» АТБ пластик карталари сони 3 млн. донага етди. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда яқин тартибдаги тадбиркорларга қулайликлар яратиш учун 19 мингтага яқин корпоратив пластик карта муомаллага чиқарилди. Пластик карталар орқали тўлов тизимини ривожлантириш мақсадида 33 та банкомат ва 120 та инфокиоск ишлаб турибди. Улар орқали иш ҳақи, пенсия тўловларини юклаш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

**Наргиз АҲМЕДОВА.**

## Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларда бошқариш механизмлари

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқариш механизмларини ривожлантириш» мавзуда семинар ташкил этилди.**



Давлат улуши мавжуд хўжалик субъектларида замонавий корпоратив бошқарув усулларининг жорий этилиши бўйича кўрилатган чора-тадбирлар билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган тадбирда депутатлар, манфаатдор вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, Германия молия вазирлиги вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси Адҳам Шодмонов, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Равшан Ғуломов сўзга чиқиб, Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилганини қайд этиб ўтдилар. Утган давр мобайнида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 1178 та давлат улуши мавжуд корхоналарда ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари жорий этилди.

2016 йил яқунлари бўйича 293 та акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилган бўлса, шундан 32 та АЖ да ушбу кўрсаткич юқори баҳога муносиб кўрилди. Шунингдек, 244 та АЖда қониқарли, 15 та АЖда паст ва 2 та АЖда қониқарсиз, деб топилди.

2017 йил 9 оyi яқунлари бўйича 1734 нафар тингловчи Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг ўқув курсларида тахсил олди, шундан 99 нафар тингловчи эса Европа менежмент ва технологиялар мактаби билан биргаликда ташкилланган курсларда малака оширди. Эндиликда юқори даражада ўзлаштирган 47 нафар тингловчи Германия компанияларида тажриба ўташ учун юборилади.

Тадбир иштирокчиларига корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш ва бунда илгор хориж тажрибасини ўрганиш билан боғлиқ маърузалар тақдим этилди.

– Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва

## Ҳудудлар ривожидида банклар улуши

**Андижон вилоятидаги тижорат банклари ҳудуд иқтисодиёти, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишда давом этмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Андижон вилояти Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдували Нуралиев бу борада қуйидагиларни гапириб берди:

– Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда банклар роли тобора ортиб бормоқда. Буни ҳар йили молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари кўлами ҳам тасдиқлайди.

Жумладан, Андижонда ҳам банк сармоялари ҳисобига молиялаштирилаётган лойиҳаларни деярли барча тармоқларда кузатишимиз мумкин. Биргина, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, тижорат банкларининг вилоят минтақавий филиаллари томонидан хусусий секторга барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1018581,0 млн. сўм миқдориди кредит-

лар йўналтирилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда 1,3 бараварга ошганлигини кўрсатади.

Ушбу ажратилган кредитларнинг умумий ҳажмида саноатни ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар 250094,0 млн. сўмни, қурилиш соҳасига 95796,0 млн. сўмни, транспорт ва алоқа тармоғи учун 28617,0 млн. сўмни, қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи корхоналарга 203616,0 млн. сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, 239232,0 млн. сўм савдонини ривожлантиришга, 54912,0 млн. сўм сервис ва хизмат кўрсатишни кенгайтиришга ҳамда 146255,0 млн. сўм бошқа тармоқлар учун ажратилди.

Шунингдек, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг ўз иқомиятлари, қолаверса, шахсий томорқаларидан самарали фойдаланишларини таъмин-

лаш ва шу орқали ҳудудда бандликка кўмаклашиш мақсадида ҳисобот даврида 25 885 нафар жисмоний шахсга 166528,0 млн. сўмлик имтиёзли микрокредит хизматлари кўрсатилди. Шу жумладан, иссиқхона ва лимон хўжалигини барпо этиш учун 28476,0 млн. сўм, паррандачилик соҳаси учун 31224,0 млн. сўм, чорвачиликка 81533,0 млн. сўм ва бошқа тармоқларга 25294,0 млн. сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бунинг самарасида 25 885 та янги иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилда банклар молиявий хизматларнинг бошқа турларини оммалаштириш, миқозлар учун қўшимча қулайликлар яратиш, аҳолига янада яқин бўлиш мақсадида ўз саяё-ҳаракатларини кучайтирди. Чунончи, ўз ресурс базаларини шакллантириш, филиаллари тармоғи, омонатлари доирасини кенгайтириш, масофавий хизматларини ривожлантириш ишлари шулар сирасидан ўрин олган.

**Ҳамдам АМИНОВ.**

рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда Германия молия вазирлиги ўртасидаги давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқариш механизмларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда, – дейди ҳуқуқий масалалар бўйича германиялик эксперт Ханс-Йоахим Шрамм. – Корпоратив бошқарув билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан юртингизда мазкур соҳани тартибга солувчи янги ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан изланишлар олиб бориб, бу борада Германия тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсад қилинган.

Харакатлар стратегиясига мувофиқ, «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши кўзда тутилган. Семинар жараёнида Давлат рақобат кўмитаси вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган мазкур қонун лойиҳасининг мазмуни ва моҳиятига атрофлича тўхталиб ўтилди.

– Қонун лойиҳаси давлат мулкни бошқаришнинг уйғунлашган тизимини яратиш, давлат органлари ваколатларини аниқ белгилаш, давлат мулкларини бошқаришни амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳада давлат сиёсатини юритиш учун жавобгарликни оширишга йўналтирилган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси Саҳобиддин Арзикюлов. – Унда давлат мулкларини самарали бошқариш асослари қонунчилигини такомиллаштириш, давлат мулкларини бошқариш субъектларини аниқлаш, уларнинг ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва мажбуриятларини, давлат мулкни бошқариш мақсади, механизми ва тамойилларини белгилаш назарда тутилган. Қонун лойиҳаси ижтимоий эҳтиёжларни қондириш, соғлиқни сақлаш, жамоат тартибини таъминлаш, давлатнинг хавфсизлиги ва манфаатлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган мулк объектини давлат ихтиёрида сақлаган ҳолда, иқтисодиётда давлат иштирокини оптималлаштириш бўйича олиб борилаётган ўзгартиришларнинг мантиқий давомидир.

Бекзоид АКРОМОВ.

## Ўзбекистонда халқаро аёллар тадбиркорлиги кунига бағишланган тадбир

Бутун дунёда 2017 йил 19 ноябрь  
Аёллар тадбиркорлиги кунини сифатида кенг нишонланади.

Жумладан, мамлакатимизда ҳам 2016 йилдан буён «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ташаббуси билан Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш кўмиталари ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ушбу сана муносабати билан алоҳида тадбир кечалари ташкил этиб келинади.

янги ғояларни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

– Республикаимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш масалаларига истиқлол йилларидан буён ҳукумат сиёсати даражасида катта эътибор бериб келинмоқда, – дейди «Тадбиркор аёл» ассоциацияси раҳбари Гулнора Маҳмудова. – Бунинг самараси ўлароқ, ўтган даврда юрtdошларимиз орасида ишбилармон аёллар сони кескин ошди. Улар

аёллар тадбиркорлигининг тарихий босқичлари ва бугунги ҳолати, уларнинг мамлакат ривожидagi ўрни, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда мавжуд муаммолар ва ошувор вазибалар муҳокама қилинди. Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларни бизнeсда катта тажриба тўплаган тадбиркорлар фаолияти билан таништириш, «Устоз-шогирд» мактабида бирлаштириш кунининг муҳим вазибаларидан бири бўлди.

Тадбир якунлари бўйича экс-



Бу кун бутун дунёда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини қўллаб-қувватловчи энг йирик жамоатчилик ҳаракатига айланади, унда 144 мамлакатдаги 4 млрд. аёлнинг тадбиркорлик орзулари руҳлантирилиб, рағбатлантирилади.

БМТ шафелигида ўтказилувчи мазкур ташаббуснинг мақсади аёлларга иқтисодий жараёнларда иштирок этиш имконини бериш, етакчи, ихтирочи, янгиликка интилувчи ва тадбиркор аёллар ҳамжамиятини ташкил этиш, иқтисодий ўсиш ва

билим ва тажрибаларини қўллаган ҳолда, нафақат ўз оилалари, балки жамиятимиз тарақиётига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Пойтахтимизда ушбу кун муносабати билан «Ўзбекистон иқтисодиёти ривожидa аёллар тадбиркорлигининг ўрни ва аҳамияти» мавзuidaги халқаро конференция ва ассоциация томонидан эълон қилинган кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Конференция ишида хорижий ва маҳаллий экспертлар томонидан

пертлар томонидан мавзулар юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар давлат органларига тақдим этилди.

Тақдирлаш маросимида эса, Ўзбекистондаги энг илғор тадбиркор, фермер ва хунарманд аёллар меҳнати рағбатлантирилди. Бунда экспорт билан шуғулланувчи ҳамда ўз фаолиятини шаҳар марказларидан олисда йўлга қўйиб, катта иш уринларини яратган тадбиркорлик субъектларига алоҳида эътибор қаратилди.

Гулшан ЮСУПОВА.

### ● Спорт – соғлиқ гарови

Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотларининг жорий этилгани, ўз навбатида, иттифонинг доим ёшлар билан ҳамнафас бўлишини таъминлаб келмоқда. Бугун ушбу ташкилотлар жорий этилганганига кўп бўлмаган бўлса-да, улар ўз фаолиятларини шаклдан қадамлар билан бошлади.

Яқинда пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган «Ўзбекистон спорт мажмуаси»да Тошкент вилоятида фаолият юритаётган тижорат банклари ўртасида ёшларни бирлаштириш ва соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида мини-футбол мусобақаси ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифонининг Марказий банк Тошкент вилояти Бош бошқармаси бошланғич ташкилоти ҳамда ТИФ Миллий банки, «Агробанк» АТБ, «Асака» АТБ, АТ Халқ банки, «Ипотека-банк» АТИБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ

## Спорт билан ҳамнафас банк ходимлари

Кўпичча иш билан бўлиб, спорт-соғломлаштириш машғулотларига вақтимиз етмайди. Тинимсиз ишлаш эса соғлиққа ўз таъсирини ўтказмай қолмаслиги ва, аксинча, мунтазам спорт билан шуғулланиш ҳаётда хар томонлама фаол бўлишга замин яратиши барчамизга маълум.

ҳамда «Микрокредитбанк» АТБнинг минтақавий филиаллари бошланғич ташкилотлари томонидан Конституциямиз қабул қилинганнинг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган мазкур турнир иштирокчилар учун ўта қизиқарли кечди. Қизгин ва муросасиз ўтган баҳсларда спорт билан ҳамнафаслик ўз сўзини айтди.

– Ёшлар иттифоқи мини-футбол мусобақасини ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди, – дейди Марказий банкнинг Тошкент вилояти Бош бошқармаси бошлиги биринчи ўринбосари Алишер Исмаилов. – Биз ҳам уларнинг сазў-ҳаракатларини қўллаб-қувватладик. Қўриб турганингиздек, ёшларимизнинг спортга иштиёқи баланд. Шу боис ҳар бир учрашув кизгин кечаётир. Шуни таъ-



қидлаш керакки, бундай спорт ўйинлари ходимлар соғлигини мустаҳкамлаши баробарида, кейинги фаолиятига ҳам яхши таъсир этади. Шунинг учун бу борада Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик қилишга доим тайёрмиз.

Қизгин кечган баҳсларда барча рақибларни мағлуб

этиб, финал йўлланмаси учун Марказий банкнинг Тошкент вилояти Бош бошқармаси ва «Микрокредитбанк» жамоаси ўзаро беллашди. Ўйин Марказий банк Тошкент вилояти Бош бошқармаси жамоасининг йирик ҳисобдаги ғалабаси билан якунланди. Иккинчи финалга чиқиш учун кечган баҳсда ТИФ

Миллий банки ва «Агробанк» жамоаси ўзаро куч сынашди. Финал йўлланмасини эса ТИФ Миллий банки жамоаси қўлга киритди. Шундан сўнг Марказий банкнинг Тошкент вилояти Бош бошқармаси ва ТИФ Миллий банки жамоалари ғолиблик учун майдонга тушди. Муросасиз кечган ўйинда Марказий банкнинг Тошкент вилояти Бош бошқармаси жамоасининг қўли баланд келди.

Ўйин сўнгидa биринчи ва иккинчи ўрин эгалари медаль, кубок ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

– Аввало, мусобақа ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини билдираман, – дейди Марказий банкнинг Тошкент вилояти Бош бошқармаси жамоаси вакили Собитхон Собиров. – Бугун ҳар бир жамоа бор вужуди билан уйнади. Ғалабалар осонликча қўлга киритилмади. Аммо жамоамизнинг доим футбол машғулотларига қатнаши биз учун асқотди. Бундан кейин ҳам бу каби спорт ўйинлари кўпроқ бўлишига умид билдираимиз.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

ЭЪЛОН

## ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

**Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди Фонд реестри ҳисобида турувчи банклар рўхатини эълон қилади.**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Асака» акциядорлик тижорат банки.
3. «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки.
4. «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки.
5. «Агробанк» акциядорлик тижорат банки.
6. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки.
7. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки.
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки.
9. Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки.
10. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».
11. «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки.
12. Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки.
13. «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки.
14. «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки.
15. «Ўзагроэксспортбанк» акциядорлик тижорат банки.
16. «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки.
17. «Туркистон» хусусий акциядорлик тижорат банки.
18. «Давр банк» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
19. Хусусий акциядорлик-тижорат банки «Универсал банк».
20. «Ravnaq-bank» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
21. «Invest Finance Bank» хусусий акциядорлик тижорат банки.
22. «HI-TECH BANK» хусусий акциядорлик тижорат банки.
23. «Orient Finans» хусусий акциядорлик тижорат банки.
24. «Мадад Инвест Банк» хусусий акциядорлик тижорат банки.
25. «КДБ Банк Ўзбекистон» акциядорлик жамияти.
26. «Uzbekistan-Turkish Bank» акциядорлик жамияти.
27. Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўба банки.

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ юқорида номлари келтирилган банклардаги фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

## АКТ ривожигадаги амалий ишлар самараси

халқаро индексда мамлакатимиз эгаллаётган ўрнида ёрқин намоён



Жорий йилнинг 14-16-ноябрь кунлари Тунисда ўтказилган Жаҳон ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) кўрсаткичлари таҳлиliga бағишланган XV симпозиумда «Ахборотлашган жамият кўрсаткичлари» рейтинги эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ходимларидан иборат мамлакатимиз делегацияси иштирок этган маскун тадбирда АКТни ривожлантириш бўйича 190 дан зиёд давлатда олиб борилган ўрганишларнинг сўнгги натижалари сарҳисоб этилди. Халқаро электралоқа иттифоқининг 2017 йилги ҳисоботида кўра, Ўзбекистон АКТни ривожлантириш индексида бир йилда 8 ўрин юқорилаб, 192 мамлакат ора-

сида 95-ўринни эгаллади. Шу муносабат билан симпозиумда Ўзбекистон АКТни жадал ривожлантираётган давлат сифатида тақдирланди.

WTIS симпозиуми турли давлатлардаги ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш ҳолатини баҳолайдиган халқаро форум ҳисобланади.

Жорий йилда ҳам унда «сунъий интеллект», «салмоқли маълумотлар», «булутли» технологиялар ҳамда интернет-буомлар каби жадал ривожланаётган йўналишлар юзасидан тақдимотлар қилинди. Шу асосида Халқаро электралоқа иттифоқи дунё бўйлаб замонавий АКТ тенденцияларини ривожлантириш юзасидан истиқболдаги вазифаларни белгилаб олади.

**Бобур САТТОВОВ.**

## Ўзбекистон тоғ-кон тармоғи тараққиёти йўлида

Тошкентда тоғ-кон ускуналари, руда ва минералларни қазиб олиш ва бойитиш – «MiningWorld Uzbekistan 2017» XII Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унинг экспозицияси тармоқ мутахассислари ва тадбиркорлари учун сўнгги ишланмалар, технологиялар, энг янги ускуналар ва металлга ишлов бериш соҳасидаги инновацион тизимлар, замонавий дастгоҳларнинг техник хусусиятлари ва афзалликлари билан яқиндан танишиш имконини берди.

Бу йил экспозицияларни Австралия, Бельгия, Германия, Дания, Испания, Қозғистон, Хитой, Латвия, Бирлашган Араб Амирликлари, Польша, Россия, Ўзбекистон, Украина, Швейцария, Жанубий Корея каби 15 мамлакатнинг 42 та компанияси тақдим этди.

Кўргазмада майдалаш ва янчиш ускуналари, фойдали қазилма бойликларини бойитиш, сочилувчан материалларни ташиш ҳамда конлар ва руда конларини автоматлаштириш каби тармоқлар, айниқса, кенг тақдим этилди.

**«Туркистон-пресс» материали асосида.**

## ОБУНА-2018

**ОБУНА КАМПАНИЯСИ-2018 ДАВОМ ЭТМОҚДА. Обуначилар диққатига!**

• Обунани фақат «Банк ахборотномаси» газетаси билан шартнома тузган дистрибутор-ташкilotлар орқали расмийлаштиринг.

• Тахририят бугунги кунда куйидагилар билан шартнома имзолаган: **ТАРҚАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР:**

- ▶ «Ўзбекистон почтаси»;
- ▶ «Матбуот тарқатувчи» агентликлари, ХУСУСИЙ КОМПАНИЯЛАР:
- ▶ «Matbuot Service» МЧЖ;
- ▶ «Inform Pochta» МЧЖ;
- ▶ «Kaleon inform» МЧЖ;
- ▶ «Sayyor Pochta» МЧЖ;
- ▶ «Matbuotchi» МЧЖ;
- ▶ «Global Imrax Solutions» МЧЖ;
- ▶ «Модерн экспресс» МЧЖ;

• Қулай бўлиши учун сиз нашримизнинг расмий сайти – [www.banknews.uz](http://www.banknews.uz)дан тўридан-тўри обуна шартномасининг имзоланган шаклини юклаб олишингиз ва тўлдириб, тахририятимиз манзилига юборишингиз мумкин.



**БОЗОРНИ ТўЛАҚОНЛИ ИДРОК ЭТИШ ИМКОНИЯТИ**

**Обуна индекси – 102.**

Обуна бўйича мурожаат учун:  
Тел.: (998 71) 232-45-32, 233-45-16.  
Факс: (998 71) 232-43-98.  
E-mail: [info@banknews.uz](mailto:info@banknews.uz)

**БАНК АХБОРОТНОМАСИ**

**АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА**

**ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

**А.Н. НАЗАРОВ**

Нашр учун масъул

**З.М. ЭРНАЗАРОВА**

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

**Р.Л. ВАЛИЕВ**

Газета тахририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КУМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шахрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: [info@banknews.uz](mailto:info@banknews.uz),

[www.banknews.uz](http://www.banknews.uz)

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқарди.

Буюртма № г 1189.

Адади 4752 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табақда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 22.11.2017 й., 9.00.